

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

40-сон
(1164)
2024 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

344. «Креатив иқтисодиёт тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–970-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

345. «Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПФ–151-сон Фармони

346. «Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПФ–152-сон Фармони

347. «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–345-сон қарори

348. «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–346-сон қарори
349. «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги ПҚ–347-сон қарори

Бешинчи бўлим

350. Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 сентябрдаги 7/94463-01-сон “Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3557*)
351. О‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 13-sentabrdagi 174-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjetidan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 2-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

344 Креатив иқтисодиёт тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
30 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилик

Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

креатив индустрия — ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек интеллектуал мулк устуворлигига асосланган ва иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият турларининг мажмуи;

креатив индустрия парки — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принциплари асосида креатив индустрия соҳаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида фаолият олиб борадиган ташкилий-ҳуқуқий тузилма;

креатив индустрия субъектлари — креатив маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан шуғулланадиган жисмоний ва юридик шахслар;

креатив иқтисодиёт — ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 октябрда эълон қилинган.

инновацияларга ҳамда технологияларга асосланган инсон салоҳияти натижасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратишга қаратилган иқтисодиёт тармоғи;

креатив маҳсулот — креатив иқтисодиёт соҳасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шунингдек бошқа фуқаровий-ҳуқуқий битимлар объектлари.

4-модда. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги асосий принциплар

Креатив иқтисодиёт қуйидаги принципларга асосланади:

қонунийлик;

очиқлик ва шаффофлик;

ижод эркинлиги;

тенглик;

креатив маҳсулотнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши.

5-модда. Қонунийлик принципи

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

6-модда. Очиқлик ва шаффофлик принципи

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги ахборот очиқ ва шаффоф бўлиши керак. Бундан давлат сирларини ташкил этувчи ҳамда ошкор этилиши қонун билан чекланган ахборот мустасно.

Давлат органлари креатив индустрия субъектлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, шунингдек ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган усулларда ахборот олиш ва ундан эркин фойдаланиш шароитларини яратиши шарт.

7-модда. Ижод эркинлиги принципи

Креатив иқтисодиёт илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлигига асосланади.

Барча шахслар креатив индустрия соҳаларини танлашда ва уларнинг бир ёки бир нечасида фаолият олиб боришда, шунингдек креатив маҳсулот яратишда эркиндир.

Ижод эркинлиги бошқа шахсларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказишга, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундашга ёки тарғиб қилишга қаратилмаслиги ҳамда ижтимоий ахлоққа зид бўлмаслиги керак.

8-модда. Тенглик принципи

Креатив индустрия субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда, шу

жумладан давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чораларидан ва инфратузилмадан фойдаланишда тенгдир.

9-модда. Креатив маҳсулотнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши принципи

Креатив маҳсулот интеллектуал ва ижодий фаолият натижасидир ҳамда у қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинади.

10-модда. Креатив индустрия соҳалари

Ушбу Қонун мақсадларида креатив индустрия соҳаларидаги фаолият йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

адабий ижодни;

амалий санъат ва ҳунармандчиликни;

архитектура, лойиҳалаштириш ва урбанистикани;

аудиовизуал санъатни;

ижрочилик санъатини;

концерт-томоша фаолиятини ва оммавий-маданий тадбирларни ташкил этишни;

мода ва дизайн санъатини;

музейлар, бадиий галереялар (кўргазмалар), ахборот-кутубхона фаолиятини;

нашриёт ва матбаа соҳасидаги ижодий фаолиятни;

оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали узатиш йўли билан амалга ошириладиган ижодий фаолиятни;

продюсерлик фаолиятини;

рақамли технологиялар соҳасидаги ижодий фаолиятни;

реклама соҳасидаги ижодий фаолиятни;

санъат ашёлари ва маданий мерос объектларини асрашга доир фаолиятни;

тасвирий санъатни.

2-боб. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсати

11-модда. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

креатив индустрия соҳаларида фуқароларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

креатив индустрияни иқтисодиётнинг фаол тармоқларидан бирига айлантириш орқали креатив маҳсулотлар айланмасини ошириш;

креатив индустрия субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда тенг имкониятлар яратиш;

креатив индустрия соҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;

креатив иқтисодиёт соҳасида илм-фан ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда креатив ғояларни ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

креатив индустрия субъектлари учун зарур инфратузилмани яратиш;

креатив маҳсулотлар яратишда илм-фан ва технология ютуқларидан ва инновацион ёндашувлардан фойдаланилишини таъминлаш;

мазкур соҳадаги кўникмаларни ривожлантириш мақсадида креатив индустрия соҳаларида таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий таълим дастурларини жорий этиш;

креатив индустрия субъектларининг ижодий салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича чекловларни бартараф этиш;

миллий маданият ва миллий брендларни халқаро майдонда кенг танитилишини таъминлаш.

12-модда. Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари замонавий ютуқлар асосида инсон капиталини, мамлакатни ривожлантириш, креатив иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари яқин ва узок муддатли истиқбол учун қабул қилиниши мумкин.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари давлат ва жамият олдида турган мақсадлар ҳамда вазифаларни, тегишли давр учун мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни, шунингдек уларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаларини белгилайди.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегияларининг лойиҳалари давлат органларининг, илмий ташкилотларнинг, креатив индустрия субъектларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва экспертларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилади.

3-боб. Креатив иқтисодиёт соҳасини тартибга солиш

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

креатив иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ва уларни тақдим этиш тартибини белгилайди;

креатив индустрия соҳаларидаги иқтисодий фаолият турларини белгилайди;

креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегияларини ва давлат дастурларини тасдиқлайди;

креатив иқтисодиёт тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

креатив иқтисодиёт соҳасидаги зарур инфратузилмани яратиш чораларини кўради;

креатив индустрия паркини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг фаолияти тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (бундан буён матнда Республика кенгаши деб юритилади) креатив индустрия соҳаларини ривожлантириш бўйича жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган маслаҳат органидир.

Республика кенгашининг таркиби креатив индустрия соҳалари бўйича тегишли давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, креатив индустрия соҳаларидаги етакчи тадбиркорлар ҳамда халқаро ва маҳаллий экспертлардан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Республика кенгаши:

креатив иқтисодиётни ривожлантириш ва креатив индустрия соҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

креатив индустрия соҳаларидаги иқтисодий фаолият турларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

креатив индустриянинг истиқболли йўналишлари ва ўсиш нуқталарини аниқлайди;

креатив индустрия парки фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эшитади.

Республика кенгашининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобланади.

15-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида: креатив иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлайди;

креатив маҳсулотларни шакллантириш ва креатив иқтисодиёт соҳасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда иштирок этади;

ўз тасарруфидаги креатив индустрия субъектларининг креатив маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суришга доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида: ҳудудларда креатив иқтисодиёт соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ҳудудларда креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

креатив иқтисодиёт соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

креатив индустрия субъектлари фаолиятига кўмаклашади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг креатив иқтисодиётни ривожлантиришга доир фаолиятда иштирок этиши

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

креатив индустрия субъектларига ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади;

креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ташаббуслар ва таклифлар ишлаб чиқади;

креатив иқтисодиёт соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этади.

4-боб. Креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

18-модда. Креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Давлат креатив иқтисодиётни ривожлантиришни ҳамда креатив индустрия соҳаларида қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити яратилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги чораларни ўз ичига олади:

креатив индустрия субъектлари учун солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда имтиёзлар беришни;

давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари тизими орқали молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни;

инфратузилмадан ва давлат мулкидан фойдаланишда имтиёзлар беришни;

креатив индустрия субъектларини ахборот билан таъминлашни;

креатив индустрия субъектларининг мол-мулкани ҳимоя қилишни, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказишни, интеллектуал мулк соҳасига оид тартиб-таомилларни соддалаштиришни.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

19-модда. Креатив индустрия субъектларига имтиёзлар ва преференциялар

Давлат креатив индустрия субъектларига солиқлар ҳамда бошқа тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериши мумкин.

20-модда. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлаш

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

креатив индустрия соҳаларидаги кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир давлат таълим стандартларини ҳамда таълим дастурларини такомиллаштириш;

креатив индустрия соҳаларидаги таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

креатив индустрия соҳаларида дуал таълимни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

етакчи халқаро таълим ташкилотлари билан биргаликда соҳага оид ихтисослаштирилган қўшимча таълим дастурларини яратиш;

ўқув-услубий, илмий ва амалий адабиётларни яратиш.

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлаш қонунчилиқда назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

21-модда. Креатив маҳсулотларни яратишда миллий ва умуминсоний кадриятларни оммалаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат миллий ва умуминсоний кадриятларни оммалаштиришга, Ўзбекистон халқининг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлашга ҳамда бойитишга, маданий меросни муҳофаза қилишга, шунингдек ёшларда ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга қаратилган креатив маҳсулотлар яратилишини қўллаб-қувватлайди.

5-боб. Креатив иқтисодиёт инфратузилмаси**22-модда. Креатив иқтисодиёт инфратузилмасининг таркиби**

Креатив иқтисодиёт инфратузилмаси соҳани қўллаб-қувватлашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва рақамли ресурслар мажмуасини ўз ичига олади.

Креатив иқтисодиёт инфратузилмаси креатив индустрия парклари, креатив индустрия кластерлари, креатив индустрия арт-резиденциялари, марказлари, инновацион ускуналар ва технологиялар, рақамли дастурлар ва платформалар шаклида ҳамда бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

23-модда. Креатив индустрия кластерлари

Креатив индустрия кластери тегишли ҳудудда креатив маҳсулотларни яратишда иштирок этадиган, самарали ҳамкорлик қилиш, қувватлардан биргаликда фойдаланиш, билимлар ва кўникмалар алмашиш мақсадида тузиладиган креатив индустрия субъектларининг йиғиндисидан иборат бўлган ташкилий-ҳуқуқий тузилмадир.

Креатив индустрия кластерлари давлат ёки хусусий инвестициялар иштирокида ташкил этилиши мумкин.

Креатив индустрия кластерлари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ички ва ташқи бозорларда талаб қилинган товарларни (ишларни, хизматларни) яратиш учун креатив индустрия субъектларининг салоҳиятини бирлаштириш;

креатив индустрия субъектлари учун таълим, маслаҳат ва ахборот хизматларини ташкил этиш;

креатив фаолият натижаларини бозорда биргаликда илгари суриш.

Креатив индустрия кластерлари қонунчиликда тақиқланмаган бошқа йўналишларда ҳам фаолият олиб бориши мумкин.

24-модда. Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари

Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ички ва ташқи бозорларда креатив индустрия соҳаларидаги лойиҳаларни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.

Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

креатив иқтисодиёт соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш;

креатив индустрия соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва тижоратлаштириш;

креатив индустрия субъектларини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш, кадрларнинг малакасини ошириш ва ушбу субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари қайтариш шартлари асосида ёки беғараз асосда маблағлар ажратиши, шунингдек креатив индустрия субъектларининг мажбуриятлари бўйича кафил сифатида иш юриштиши мумкин.

Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Креатив индустрия парки

25-модда. Креатив индустрия паркини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби

Креатив индустрия паркини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Креатив индустрия паркини бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.

Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.

Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.

26-модда. Креатив индустрия паркининг вазифалари

Креатив индустрия паркининг вазифалари қуйидагилардан иборат:
креатив индустрияни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

креатив иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш;

креатив индустрия парки резидентлари учун зарур ресурслар ва инфраструктура мавжудлигини таъминлаш;

креатив индустрия маҳсулотлари айланмаси ва экспортини қўпайтириш учун экотизимни ривожлантириш, шу жумладан электрон платформалар ва онлайн-бозорлар яратиш, шунингдек уларни халқаро платформаларга интеграция қилиш;

креатив индустрия соҳаларида иш ўринларини яратиш;

креатив индустрия соҳаларида меҳнат бозори таҳлилини олиб бориш ва мазкур соҳада кадрларни тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишга, шу жумладан назарий ва амалий билимлар ҳамда кўникмаларни уйғунлаштиришга қўмаклашиш;

креатив индустрия соҳаларида инновацияларни ва ижодкорликни рағбатлантириш.

27-модда. Креатив индустрия парки резидентларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Креатив индустрия парки резидентлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

креатив индустрия парки инфратузилмасидан фойдаланиш, шу жумладан умумий иш жойларидан ва жиҳозлардан фойдаланиш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича консалтинг хизматларини олиш;

таълимни ва янги ғояларни такомиллаштириш ҳамда кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш юзасидан (акселерация) креатив индустрия парки дирекцияси томонидан ташкил этилган дастурларда иштирок этиш.

Креатив индустрия паркининг резидентлари:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этиши;

креатив индустрия парки ресурсларидан оқилона фойдаланиши;

креатив индустрия тегишли соҳалари бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиши шарт.

Креатив индустрия парки резидентлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

28-модда. Креатив индустрия паркининг резидентлари

Креатив индустрия соҳасидаги бизнес режаси креатив индустрия парки дирекцияси томонидан маъқулланган ва жами йиллик даромадининг камида саксон фоизини креатив индустрия соҳасидаги фаолиятдан олинган даромад ташкил этадиган креатив индустрия субъектлари креатив индустрия паркининг резидентлари бўлиши мумкин.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар креатив индустрия паркининг резиденти бўлиши мумкин эмас.

Креатив индустрия парки резидентларининг зиммасига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар ҳам юклатилиши мумкин.

29-модда. Креатив индустрия паркининг бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги

Креатив индустрия парки таълим ва илмий ташкилотлар, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Креатив индустрия парки дирекцияси тажриба алмашиш, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқа мақсадларда қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий ва халқаро шериклар билан битимлар тузиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

30-модда. Креатив иқтисодиёт кўрсаткичларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

Статистика органлари креатив иқтисодиётнинг ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг ҳисобини, шу жумладан:

креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг, шу жумладан креатив маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва ташқи савдо айланмаси ҳажмининг;

креатив индустрия субъектлари сонининг;

креатив индустрия соҳаларидаги бандликнинг;
креатив стартаплар ва лойиҳаларга инвестициялар ҳажмининг ҳисобини юритади.

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш креатив иқтисодиёт кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

31-модда. Халқаро ҳамкорлик

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорлик хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш йўли билан амалга оширилади.

32-модда. Низоларни ҳал этиш

Креатив иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

33-модда. Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 3 октябрь,
ЎРҚ-970-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****345 Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва тоқзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, интенсив усулда боғ ва тоқзорлар барпо қилиш, иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этиш;

Агентлик ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси негизида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Агентлик фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2024-2025 йилларда тоғ олди ва қир-адирлик, иқтисодий самарасиз ҳамда эскирган боғ ва тоқзорлар ўрнида янгидан саноатлашган интенсив мевали боғ ва тоқзорлар барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб республикада саноатлашган янги интенсив боғ ва тоқзорларни барпо этиш ҳамда молиялаштириш бўйича қуйидаги тизим жорий этилсин:

а) туман (шаҳар) ҳокимликлари Агентлик билан бирга мунтазам равишда янгидан ташкил этиладиган саноатлашган янги интенсив боғ ва тоқзорларни (кейинги ўринларда — янги боғлар) ҳамда иссиқхоналарни барпо этиш мақсадида захирадаги ер участкалари ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига (кейинги ўринларда — ер

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 2 октябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

эгалари) тегишли паст ҳосилли пахта ва ғалла ер майдонлари, тоғ олди, қир-адирликлар, шунингдек, самарасиз ҳамда эскирган боғ ва токзорлар рўйхатини шакллантириб боради. Бунда:

ер эгаларига тегишли ерларда янги боғларни барпо этиш Агентлик томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ амалдаги ер эгаларининг ўзлари томонидан амалга оширилади;

захирадаги ер участкаларида янги боғларни барпо этиш Агентлик томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ Агентлик ёки у томонидан танланган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади;

захирадаги ер участкалари янги боғларни барпо этиш учун Агентликка ёки у томонидан танланган тадбиркорлик субъектига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан ажратилади, бунда, истисно тариқасида, инвестиция лойиҳасининг қиймати 10 миллион АҚШ долларидан кам бўлишига, энг яхши таклифни танлаш бўйича танлов ўтказилмаслигига, олдиндан махсус ҳисобвараққа пул жойлаштирмасдан ҳамда ер участкаларининг аниқ рўйхатини ер ижараси шартномаларида белгилаш шarti билан ер участкаларини реализация қилишга рухсат берилади;

Агентликка ўзига ижара ҳуқуқи билан ажратилган ер участкаларини тўғридан-тўғри шартномалар асосида тадбиркорлик субъектларига қайта ижарага бериш ҳуқуқи берилади;

захирадаги ер участкаларини ижарага (қайта ижарага) олган тадбиркорлик субъектлари Агентлик томонидан ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосларда белгиланган шартларга мувофиқ янги боғларни барпо этиш мажбуриятини олади, бунда янги боғларни барпо этишда Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларидан фойдаланилмайдиган тақдирда, уларга фақат техник шарт берилади;

б) Агентлик янги боғларни барпо қилиш учун ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, мева ва узумлар навларини инobatга олиб, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқади.

Бунда Агентлик томонидан ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асослар бўйича янги боғларни барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бошланганда, лойиҳа доирасидаги ҳар бир гектар ер майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида бир марталик техник-иқтисодий асослар тўлови жорий этилади;

в) лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида белгиланган шартларда ва муддатларда янги боғлар ҳамда иссиқхоналарни ташкил этиш учун талабгорга ер участкаси боғ ва токзорлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга 30 йил муддатгача ижарага берилади;

г) ер участкаси ижарага олингандан бошлаб лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида белгиланган суғориш тизимларини жорий этиш ва ер майдонларини экишга тайёрлаш, кўчат экиш ишлари кўпи билан 14 ой муддатда тўлиқ бажарилмаганда, ер участкасининг ижара шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади;

д) 2025 йилдан бошлаб янги боғларни барпо этишда фақат кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликлар етиштирган ва мувофиқлик сертификатига эга бўлган кўчатлар экилади.

Бунда Агентлик мувофиқлик сертификатига эга бўлган кўчатлар етказиб берувчи кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик ёки «in-vitro» лабораториялари реестрини юритади ҳамда доимий равишда экиладиган сертификатланган кўчатларнинг экилиши ва агротехника тадбирларини мониторинг қилади;

е) кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликлар ёки «in-vitro» лаборатория томонидан талабгорга етказиб берилган кўчатларнинг навларига боғ ҳосилга киргунига қадар 3 йил давомида кафолат бериши шарт;

ж) талабгорлар томонидан янгидан барпо этиладиган боғларга замонавий сув тежовчи технологияларни ўрнатиши мажбурий ҳисобланади.

4. Белгилансинки, боғлар ва иссиқхоналардан белгиланган тартиб ва шартлар асосида фойдаланиш ҳолати Агентлик томонидан доимий мониторинг қилиб борилади.

Бунда мониторинг натижасида боғлар ва иссиқхоналардан самарасиз ҳамда ноқонуний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш, ўзбошимчалик билан бузиб ташлаш ҳолатлари аниқланганда, Агентлик томонидан ҳар йили 1 октябрга қадар ер майдонларини қайтариб олиш ҳамда келтирилган зарарни қоплаш бўйича назорат органларига хулоса киритиб борилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва тоқзорларнинг яроқсизлигини аниқлаш ва улар ўрнига янги боғлар барпо этиш тартиби бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб республикада янги боғларни барпо этишни Жамғарма кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

биринчи босқичда — ерни экишга тайёрлаш учун имтиёзли кредитнинг 10 фоизигача миқдорда;

иккинчи босқичда — кўчат сотиб олиш ва экиш харажатларига имтиёзли кредитнинг 40 фоизигача миқдорда;

учинчи босқичда — сугориш тизимларини ўрнатиш харажатларига имтиёзли кредитнинг 30 фоизигача миқдорда;

тўртинчи босқичда — боғ ҳосилга киргунга қадар 3 йил парваришlash харажатларига имтиёзли кредитнинг 20 фоизи миқдорда ажратилади.

Бунда:

янги боғларни барпо этиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида кўзда тутилган ер майдонига мутаносиб равишда, аммо 1 гектарга кўпи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ошмаган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилади;

ташаббускорларга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан банк маржаси 4 фоиз) миллий валютада 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга кредитлар ажратилади;

мазкур шартлар мева ва узум маҳсулотларини замонавий саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳаларига ҳам татбиқ этилади.

6. Агентликка янги боғларни барпо этиш бўйича лойиҳа ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий маслаҳатчиларни (экспертларни) қонунчиликда белгиланган тартибда жалб қилишга рухсат этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 1 январдан бошлаб иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш, улар ўрнида интенсив боғ ва токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулосани қабул қилувчи туман (шаҳар) комиссияси томонидан иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосилли боғ ва токзорлар деб хулоса берилган санадан бошлаб 12 ой давомида янги боғ ёки токзорлар барпо этилмаган тақдирда ушбу боғ ва токзорлар жойлашган майдонлар учун ер солиғини 3 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Агентлик иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган деб топилган боғлар ва токзорлар тўғрисидаги маълумотларнинг солиқ тўловчилар кесимида Солиқ қўмитасига тегишли ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали тақдим этиб борилишини таъминлайди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутовчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Агентлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган кўчат етиштиришга ва намунавий боғларни барпо этишга ихтисослашган корхонани ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Шукуров) Агентлик ҳузурида Тошкент вилоятида сертификатланган кўчатларни етиштирадиган «in-vitro» лаборатория ва ихтисослашган кўчатчилик мажмуасини барпо этиш учун халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан 8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағларни йўналтириш чораларини кўрсин.

10. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳисобидан замонавий иссиқхоналарни ташкил этиш ҳамда майдони 1 гектар ва ундан юқори бўлган янги боғлар барпо этиш лойиҳаларини, техник-иқтисодий асослари мавжуд бўлганда ҳамда Агентлик томонидан ижобий хулоса берилганда амалга оширишга рухсат этилади;

ташаббускорлар янги боғларни барпо этишда ўз эҳтиёжлари учун хорижий давлатлардан (қўшни давлатлардан ташқари) 3-илова* назарда тутилган рўйхатдаги пайвандтагли мевали кўчатлар ва пайвандтаглар, пайвандустлари, оналик материаллари ва техникаларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона божларидан озод этилади.

11. Агентлик 2024 йил 1 декабрдан бошлаб фермер ва деҳқон хўжалиқларининг нуфузини ошириш, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга қўмаклашишга қаратилган «мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчиларни баҳолаш» тизими жорий этилсин ҳамда ҳар йили ўзининг расмий

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

веб-сайтида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар рейтингини эълон қилиб борсин.

12. Агентлик мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектлар, иссиқхона хўжаликлари ҳамда Агентлик манфаатларини кўзлаб судга киритилган даъволар ва шикоятлар юзасидан давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ушбу имтиёзни белгилашга оид қўшимча киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 30 сентябрь,
ПФ–151-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги
ПФ–151-сон Фармонида
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятининг
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Интенсив мевачилик, узумчилик, виночилик ва иссиқхона хўжаликлари барқарор ривожлантиришни таъминлашга ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашишга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш.

2. Замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан томчила-тиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив боғ плантациялари, иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш чораларини кўриш.

3. Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва инновацион агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни саноатлаштириш, шунингдек, мевали боғ ва узумзорларни тайёр ҳолда барпо этиш ҳамда уларни ташаббускорларга сотиш чораларини кўриш, шунингдек, янги боғ ва токзорлар ораларига қишлоқ хўжалиги экинларини экилишини ва улардан самарали фойдаланилишини ташкил этиш.

5. Соҳада «даладан дастурхонгача» тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига кўмаклашиш, шунингдек, мева ва узум маҳсулотларини етиштирувчи субъектларни ривожлантириш ҳамда халқаро стандарт талабларини жорий этишга кўмаклашиш.

6. «In-vitro» лабораторияларда кафолатланган, вирусдан холи бўлган кўчатлар етиштиришни рағбатлантириш механизмининг ҳамда кўчатларни сертификатлаштириш тизимини йўлга қўйиш.

7. Мева ва узум навларининг миллий брендларини яратиш чораларини кўриш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, миллий брендларни тарғиб қилиш, хорижий мутахассисларни жалб этиш, ташқи бозорларга чиқиш, экспорт географияси ва маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш.

8. Интенсив боғдорчилик, узумчилик ва химояланган жойларда сабзавотчилик бўйича замонавий билим ва тажрибаларни татбиқ қилиш ишларини ташкил этиш.

9. Фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш мақсадида Агентлик расмий веб сайтида янги боғларни барпо этиш мақсадидаги очиқ электрон танловларни, кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик ёки «In-vitro» лабораториялар ҳамда янги ташкил этилган боғ ва

токзорларнинг реестрини, малакали агрономлар ва импорт қилишда божхона божларидан озод этиладиган мевали кўчатлар ва пайвандтаглар, пайвандустлари, оналик материаллари рўйхатини, балли баҳолаш тизими бўйича мевачилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштирувчилар рейтингини эълон қилиб бориш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**346** Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада
ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, соҳада фаолият юритаётган хусусий сектор вакилларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, таълим жараёнига инновацияларни, илғор педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг:

а) мактабгача таълимнинг давлат таълим дастури доирасида:

кичик ва ўрта гуруҳлардаги болаларда когнитив, психомотор ва ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга;

катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларидаги болаларда билим олиш, коммуникатив ва ижодий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш;

б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

мактабгача таълим ташкилотлари томонидан Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида боланинг ривожланиш харитасини юритиш амалиётини жорий қилиш;

мактабга тайёрлов гуруҳларини тамомлаган болаларга уларнинг ривожланиш харитаси асосида бир йиллик мактабга тайёрловдан ўтганлик ҳақида электрон сертификат беришни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги 2025 йил 1 августга қадар:

мактабгача таълимнинг давлат таълим дастурини халқаро стандартлар асосида такомиллаштирсин;

мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурларининг ўзаро узвийлиги ва мувофиқлигини таъминласин;

мактабгача таълимнинг давлат таълим дастури доирасида ишлаб чиқилган электрон ресурслар, аудиовизуал маҳсулотлар ва ўқув-методик материалларни Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида жойлаштирсин ҳамда ушбу материаллардан эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини яратсин;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги нашриёт ташкилотларига юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг буюртмасига асосан мактабгача таълимнинг давлат таълим дастури доирасида ишлаб чиқилган болалар адабиётлари, ўқув-методик ва дидактик материалларни чоп этиш ва етказиб бериш бўйича пуллик хизматларни кўрсатишга рухсат этилсин;

Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида ота-оналар учун шахсий кабинет яратсин ва унда боланинг ривожланиш харитаси маълумотларининг жойлаштирилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 ва ундан кейинги йиллар учун

Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда давлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик қўлланма ва дидактик материаллар билан таъминлаб бориш мақсадлари учун камида 40 миллиард сўм маблағни назарда тутсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб мактабгача таълим соҳасида педагог кадрларнинг узлуксиз касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида:

мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячи-методист лавозими негизда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда мактабгача таълим ташкилотининг директори ўринбосари лавозими жорий этилади;

мактабгача таълим ташкилотининг директори ўринбосари зиммасига таълим сифатини таъминлаш, педагог ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш, таълим ва тарбия жараёнларига инновацияларни, илғор педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш вазифалари юкланади;

республиканинг барча туман (шаҳар)ларида камида биттадан таянч мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилади ҳамда ушбу ташкилотларнинг директор ўринбосарларидан иборат малакали тренерлар гуруҳи шакллантирилади. Бунда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда тренерлар учун алоҳида тайёрлов курслари ташкил этилади;

барча мактабгача таълим ташкилотларида малака оширишнинг «Методик маҳорат соати», таянч мактабгача таълим ташкилотларида эса «Методик маҳорат куни» каби шакллари босқичма-босқич жорий этилади;

«Методик маҳорат куни» доирасида таянч мактабгача таълим ташкилотлари тренерлари томонидан бошқа мактабгача таълим ташкилотлари директор ўринбосарлари учун ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилади;

«Методик маҳорат соати» доирасида директор ўринбосарлари томонидан мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари фаолияти таҳлил қилинади, уларга методик ёрдам кўрсатилади ва касбий ривожланиши бўйича тавсиялар берилади;

тренер сифатида фаолият юритаётган директор ўринбосарларига тегишли туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳузуридаги мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш жамғармалари ҳисобидан лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотларида «Методик маҳорат соати» ва «Методик маҳорат куни»ни ўтказиш тартибини тасдиқласин;

уч ой муддатда мактабгача таълим ташкилоти педагогининг шахсий фазилатлари, касбий билимлари, малака ва кўникмаларига қўйиладиган асосий талабларни белгилайдиган мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 мартга қадар янги ишлаб чиқилган касбий стандарт асосида мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини такомиллаштирсин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2025 йил 1 мартдан бошлаб тажриба-синов тариқасида республиканинг узоқ ва чекка хуудларида жойлашган мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун мобиль малака ошириш хизматларини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

мобиль малака ошириш хизматлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогик маҳорат марказлари томонидан 4 та аудитория кўринишидаги автобуслар негизида ташкил этилади;

нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари педагогларига мобиль малака ошириш хизматлари пуллик асосда кўрсатилади;

автобусларни жиҳозлаш «Болаларнинг эрта ёшдан ривожланишига кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

автобуслар ҳайдовчиларининг иш ҳақи, ёқилғи-мойлаш материаллари учун ва бошқа харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогик маҳорат марказларининг пуллик хизматларидан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси ҳисобидан мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларини ҳам рағбатлантиришга рухсат этилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармасига ҳар йили қўшимча равишда камида 10 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги икки ой муддатда Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг 2025 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида ҳар бир туман (шаҳар)даги биттадан умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида инклюзив таълим гуруҳларини очиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилаб қўйилсинки, инклюзив таълим гуруҳларида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган тарбияланувчилар билан таълим-тарбия ва коррекцион-педагогик ишларни олиб бораётган тарбиячи, ёрдамчи-тарбиячилар ҳамда ўқитувчи-дефектолог (логопед)ларга алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига нисбатан бир нафар бола учун 10 фоиз, икки нафар бола учун 20 фоиз, уч нафар бола учун эса 30 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилади.

8. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат олий таълим ташкилотларида мактабгача таълим йўналиши бўйича дуал таълим шакли жорий этилади;

давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат

буюртмаси параметрларини шакллантиришда мактабгача таълим йўналишининг сиртки ва кечки таълим шакллари бўйича ҳар йили камида 200 та мақсадли қабул квоталари ажратилади;

ушбу мақсадли қабул квоталари бўйича ажратиладиган ўринларга мактабгача таълим йўналишида камида беш йил иш стажига эга бўлган педагог кадрлар табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

9. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) 2025 йил 1 январга қадар мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга оид идоравий қурилиш нормаларини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқсин;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа дастурлар доирасида давлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларида:

қурилиш жараёнида энергия тежамкор материаллар ва технологиялардан фойдаланилишини;

ушбу ташкилотларда мажбурий тартибда электр энергияси истеъмолининг камида 30 фоизини қоплашга мўлжалланган қуёш панеллари ўрнатилишини назарда тутсин.

10. Давлат олий таълим муассасаларига ўзларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бўш ер участкаларида давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

давлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва жиҳозлаш давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, уларни сақлаш эса Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат олий таълим муассасалари ҳузуридаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига ушбу муассасалар ходимлари ва талабаларининг фарзандлари устувор равишда қабул қилинади;

қолган бўш ўринларга тарбияланувчиларни қабул қилиш давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади.

11. Белгилансинки, мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш мақсадида:

2018 — 2022 йилларда Давлат бюджети ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун ажратилган имтиёзли кредитларни қайтариш муддати 5 йилга узайтирилади;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний шахс бир пайтнинг ўзида бир

неқта оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотида меҳнат фаолиятини юритаётган бўлса, ижтимоий солиқ суммаси унинг битта (асосий) иш жойи бўйича тўланади;

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида электрон шаклда тузилади;

2025 йил 1 январдан бошлаб қамров даражаси паст бўлган давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш турган ер участкаларида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга рухсат этилади.

12. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш учун:

2025 йил 1 январга қадар давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш турган ер участкаларини хатловдан ўтказсин;

2025 йил 1 апрелга қадар давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш турган ер участкаларида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича танлов ўтказсин.

13. 2024-2025 йилларда мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 30 сентябрь,
ПФ–152-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги
ПФ–152-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5198-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–3-сон Фармониغا илованинг 26-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2707-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3261-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисида»ги ПҚ–3822-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3955-сон қарорининг 3-банди «а» кичик банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4555-сон қарорига 7-илованинг 1-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги «Тошкент шаҳрида «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4857-сон қарорига 3-илованинг 1 ва 9-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**347** Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини яна-
да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Миллий малака тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, малакага бўлган талабларни ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан тартибга солиш ҳамда барча учун ҳаёти давомида таълим олиш ва меҳнат фаолиятини изчил давом эттириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Миллий малака тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Миллий малака тизимининг норматив-ҳуқуқий, институционал ва услубий асосларини такомиллаштириш;

халқаро стандартлар асосида Машғулотлар, касб ва лавозимлар миллий классификаторини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;

малака рамкалари, касбий стандартлар ва малака талабларини иш берувчилар талаблари асосида ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ривожлантириш;

янги авлод касбий стандартлар асосида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, олий ва профессионал таълим дастурларини такомиллаштириш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

малакаларнинг халқаро миқёсда тан олиншини, миллий малака даражаларининг илғор хорижий давлатлар малака даражалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

норасмий ва информал орттирилган кўникма ва малакаларни тан олиш («Recognition of Prior Learning») тизимини жорий қилиш;

кўникмаларни прогноزلантириш («skills anticipation»), кўникмаларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш («skills needs analysis»), кўникмалар билан боғлиқ камчиликларни ўрганиш («skills gap analysis») воситалари ва методологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Миллий малака тизимини тўлақонли йўлга қўйиш бўйича стратегик режалар ишлаб чиқиш ҳамда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш;

Миллий малака тизимини ривожлантириш жараёнларини мониторинг қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ахборот алмашинувини самарали йўлга қўйиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг миллий малакалар рамкаси 1-иловага* мувофиқ;

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг асосий вазифалари 3-иловага мувофиқ;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда — тармоқ кенгашлари) фаолиятини ташкил этиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашларининг асосий вазифалари 5-иловага мувофиқ;

2025-2026 йилларда касбий стандартларни ишлаб чиқиш режа-жадвали 6-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Миллий малака тизимини тубдан модернизация қилиш ҳамда ушбу соҳада илғор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офисининг (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси):

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг 40 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Лойиҳа офиси ҳузуридаги Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Меҳнат бозори тадқиқотлари институти моддий-техника базаси, бино ва иншоотлари ҳамда автотранспорт воситаларининг қисқартирилаётган штат бирликларига мутаносиб қисмини Институтга бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

Институт юридик шахс мақомига эга давлат муассасаси ҳисобланади;

Институт фаолиятини молиялаштириш 2024 йилда Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратиладиган мақсадли ажратмалар ҳисобидан, 2025 йилдан бошлаб эса Бандликка кўмаклашиш жамғармасига тегишли миқдордаги бюджетдан ажратмаларни қисқартириш орқали Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Умид кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган Касб-хунарга ўқитиш маркази биносининг 3-қавати тўлиқ (барча хоналари билан) Институтга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

5. Қўйидагилар:

Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг фаолиятини ташкил этиш тартиби 8-иловага мувофиқ;

Миллий малака тизимини ривожлантириш институти фаолиятининг 2025-2026 йиллар учун асосий мақсадли кўрсаткичлари 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Лойиҳа офиси (А. Худайкулов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2025 йил 1 февралга қадар Институтда Миллий малака тизимини ривожлантириш бўйича малака ошириш курсларини йўлга қўйсин;

б) 2025 йил 1 сентябрга қадар:

меҳнат бозори ва таълим интеграциясини таъминлаш мақсадида кўник-

* 4, 6, 7, 9-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маларга бўлган эҳтиёж бўйича таҳлилий маълумотлар ва таклифлар тайёрласин;

касбий стандартлар асосида натижага йўналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқсин;

малакаларни баҳолаш марказларини услубий қўллаб-қувватлаш мақсадида асосий баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин;

в) 2025 йил 1 ноябрга қадар, шу жумладан, қуйидаги имкониятларни тақдим этувчи Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформаси ишлаб чиқилишини ва амалиётга киритилишини таъминласин:

тармоқ кенгашлари, миллий ва тармоқ малака рамкалари, Машғулотларнинг миллий классификатори, тасдиқланган касбий стандартлар, экспертизадан ўтказилган ва амалга киритилган таълим дастурлари реестри, малакаларни баҳолаш марказлари тўғрисидаги маълумотлар, Миллий малака тизимини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий қўлланмалар билан эркин танишиш ва улардан фойдаланиш;

касбий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокамадан ўтказиш ва манфаатдор томонлар билан келишиш;

талабгорлар томонидан малакани баҳолаш ва тан олиш учун ариза бериш, имтиҳон натижалари тўғрисида маълумот олиш ҳамда малакаларни баҳолаш марказлари қарори устидан апелляция бериш;

касбий малакани баҳолаш ва тан олиш тўғрисида берилган ёки бекор қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар билан эркин танишиш;

г) 2026 йил 1 декабрга қадар илғор хорижий тажриба асосида 1 800 та касбни қамраб олувчи касбий стандартлар ишлаб чиқилишини ва амалиётга киритилишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

тармоқ кенгашларининг ишчи органи инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари, йирик тармоқ корхоналари, соҳага оид илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари бўлиши мумкин;

ишчи орган тармоқ кенгашлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган касбий стандартлар ва бошқа ҳужжатларнинг хусусиятларини инобатга олиб, экспертлар ишчи гуруҳларини ташкил этишга ҳақли;

тармоқ кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар экспертлар ишчи гуруҳларининг ишларига жалб этиладиган ходим ва экспертларга ўз маблағлари ҳисобидан мукофот пули тўлаши мумкин.

8. Тармоқ кенгашлари фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда ўзларининг марказий аппарати тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида ушбу қарорга 4-иловага мувофиқ касбий малакаларни ривожлантириш бўйича алоҳида бош мутахассис (кейинги ўринларда — масъул мутахассис) лавозимини киритсин.

Масъул мутахассис зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

тармоқ кенгаши котиби вазифасини бажариш, унинг иш режасини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари бўйича материаллар ва таклифларни умумлаштириш;

тармоқ кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан материаллар ва ҳужжатларнинг экспертиза учун тақдим этилишини таъминлаш;

тармоқ кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда тармоқ малака рамакалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича кичик ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

экспертлар, манфаатдор таълим ташкилотлари ва илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

тармоқ кенгашларига бириктирилган масъул ходимлар ва экспертлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Белгилансинки, масъул мутахассислар учун ажратилган штат бирликларини қисқартириш Республика кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

9. Республика кенгаши (А. Арипов):

бир ой муддатда таркибининг камида 50 фоизи иш берувчиларнинг вакиллари билан иборат бўладиган тармоқ кенгашлари таркиблари тасдиқланишини;

икки ой муддатда тармоқ кенгашларига соҳавий тааллуқлилиги бўйича йирик иш берувчи ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда таянч таълим муассасаларининг бириктирилишини;

2024 йил якунига қадар илғор хорижий тажриба асосида тармоқ малака рамакалари ишлаб чиқилиши ва амалиётга киритилишини;

2025 йил якунига қадар барча тармоқлар кесимида эҳтиёжи энг юқори бўлган касбий фаолият соҳалари (турлари) бўйича касбий стандартлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги (А. Жуманазаров) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Лойиҳа офиси (А. Худайкулов), бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2024 йил 1 декабрга қадар халқаро тажриба ва стандартлар асосида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг қайта кўриб чиқилишини ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини;

2025 йил 1 августга қадар Машғулотларнинг халқаро стандарт классификатори (МХСК-2008)дан келиб чиқиб Машғулотларнинг миллий классификатори ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

Белгилансинки, ушбу классификаторлар тармоқ кенгашлари таклифлари ҳамда меҳнат бозори таҳлили асосида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан янгилаб борилади.

11. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов) икки ой муддатда Машғулотларнинг миллий классификаторини ишлаб чиқиш ҳамда Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформасини яратиш учун давлат илмий дастурлари доирасида грантлар ажратиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали мазкур қарор амалга оширилиши тўғрисида аниқ

кўрсаткичлар ва натижаларни ифодалаган ҳолда, ахборот-таҳлилий шарҳларни тизимли равишда тайёрлаш ва эълон қилиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги «Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4939-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси директори А.Ю. Худайкулов, олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 30 сентябрь,
ПҚ–345-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги
ПҚ–345-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Касбий малакаларни ривожлантириш
бўйича республика кенгашининг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

- а) Миллий малака тизимини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаш;
- б) Миллий малака тизими жорий қилинишини мониторинг қилиш, баҳолаш ва стратегик режалаштириш;
- в) Миллий малака тизимини ривожлантириш ва жорий қилиш жараёнига республика ижро этувчи ҳокимият органлари, иш берувчилар, олий ва профессионал таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларини жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- г) касбий малакалар бўйича тармоқ кенгашларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- д) тармоқ малака рамакалари ва касбий стандартлар макетлари ва лойиҳаларини тасдиқлаш, уларнинг ишлаб чиқилишини мониторинг қилиш ҳамда янгилаб борилишини мувофиқлаштириш;
- е) иш берувчилар талабларининг таълим дастурлари мазмуни билан ўзаро интеграциясини кучайтириш, таълим сифатини оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- ж) малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини аккредитациядан ўтказишни ташкиллаштириш;
- з) Миллий малака тизимининг халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш чораларини кўриш;
- и) Миллий малака тизимини рақамлаштириш ва тизимга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;
- к) касбий стандартлар сифатли ишлаб чиқилиши ва амалиётда қўлланишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги
ПҚ-345-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича
тармоқ кенгашларининг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

- а) меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малакаларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;
- б) меҳнат бозори талаблари ва ўқитиш натижаларини (learning outcomes) инобатга олган ҳолда тегишли соҳалар бўйича тармоқ малака рамкаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш;
- в) касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;
- г) тармоқда малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш, шунингдек, малакаларни баҳолаш воситаларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда экспертизадан ўтказиш;
- д) малакаларни баҳолаш жараёнларида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш;
- е) таълим дастурларининг касбий стандартларга мувофиқлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- ж) меҳнат бозорини ўрганиб бориш, унда пайдо бўлиши кутилаётган касбларни классификаторга киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- з) Тармоқ кенгаши фаолиятида, тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни ҳамда муҳокамаларида хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни ташкил этиш;
- и) Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги
ПҚ–345-сон қарорига
8-ИЛОВА

**Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг
фаолиятини ташкил этиш
ТАРТИБИ**

1. Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Институт)нинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ишчи органи вазифасини бажариш;

Республика кенгаши, тармоқ кенгашлари ва малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкилий-услубий, эксперт ва таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

тармоқ малака рамкалари, касбий стандартлар ва баҳолаш воситаларининг ишлаб чиқиши бўйича умумий назоратни амалга ошириш, уларни экспертизадан ўтказиш ва жорий этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

таълим дастурларини тегишли касбий стандартлар ёки малака талабларига мувофиқлиги бўйича хулосалар бериш;

малакаларни баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш, фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг реестрини юритиш ва зарур ҳолларда уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформасини жорий этиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш, шунингдек, Миллий малака тизими масалалари бўйича маълумотларни киритиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлашни амалга ошириш;

Миллий малака тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда бу борада методологик хизматлар кўрсатиш;

тармоқ кенгашлари аъзолари ва малакаларни баҳолаш марказлари ходимларининг малакасини ошириш;

тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрини ҳамда касбий стандартлар реестрини шакллантириш ва юритиш;

вазирлик ва идоралардаги касбий малакаларни ривожлантиришга масъул бўлган мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам бериш.

2. Белгилансинки:

Институтнинг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ва илмий ходимларининг умумий чекланган штатлари сони 40 нафар этиб белгиланади ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг штат бирликлари ҳисобидан бутланади;

Институт директори ва унинг ўринбосари «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Лойиҳа офиси директорига, зарур ҳолларда, Институт ходимларининг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Институт тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилади;

Институт ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Институтга ўз вазифаларини бажариш мақсадида тегишлича олий таълим ва илмий ташкилотларнинг профессор-ўқитувчиларини, ёш олимлар ва истеъдодли талабаларни, шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда вақтинчалик илмий гуруҳларни ташкил этиш ваколати берилади;

Институт томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалари бўйича шартнома асосида тармоқ малака рамкалари, касбий стандартлар ва баҳолаш воситаларини экспертиза қилиш ҳамда малакаларни баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш бўйича пулли хизматлар кўрсатилади. Бунда ушбу хизматлар учун тўлов миқдорлари Лойиҳа офиси билан келишилган ҳолда Институт томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

3. Қўйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2024 йилда Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан ажратиладиган мақсадли ажратмалар;

2025 йилдан бошлаб (Бандликка қўмаклашиш жамғармасига тегишли миқдордаги бюджетдан ажратмаларни қисқартириш орқали) Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган ҳар йиллик маблағлар;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ажратиладиган грантлар;

хўжалик фаолиятдан ҳамда шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Институтга:

Миллий малака тизимини ривожлантириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Миллий малака тизимини ривожлантириш соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг миллий малакалар рамкасида назарда тутилмаган таълимлар бўйича малакалар даражасини белгилаш;

малака тизимининг иштирокчилари сифатида ўзига юклатилган вазифаларни бажармаётган вазирлик ва идоралар мансабдор шахсларининг жавоб-

гарлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Республика кенгашига таклифлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Институт директориға Лойиҳа офиси билан келишилган ҳолда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўйидагиларни амалга оширишга рухсат этилади:

Институтда ишлаш учун хорижий мутахассисларни, шу жумладан, чет элдаги ватандошларни шартнома асосида жалб қилиш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш;

Институт ходимларини Лойиҳа офиси томонидан белгиланадиган тартибда моддий рағбатлантириш.

6. Институтнинг штат бирликлари тўлдирилмаганлиги муносабати билан бўшайдиган маблағлар, шунингдек, ходимларнинг иш ҳақи фондидан иқтисод қилинган маблағлар Институт ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Институт ходимларини моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш, шунингдек, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш тартиби Лойиҳа офиси томонидан тасдиқланади.

7. Институт ўзининг вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларини, шу жумладан, хорижий валютадаги маблағларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириши ва олинган даромадларни тасарруф этиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**348 Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ёшларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг илм-фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ҳамда жаҳон миқёсида Ватанимиз довуғини кенг таратган буюк аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Фан олимпиадалари марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказнинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қобилиятли ҳамда фанларни чуқур ўрганишга қизиқадиган ёшларни аниқлаш ва селекция қилиш, улардаги иқтидорни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларни фан олимпиадаларига мақсадли тайёрлашга оид ўқув дастурлари, адабиётлар, методик тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

фан олимпиадаларига тайёрлаш бўйича тренерлар жамоасини, шу жумладан хорижий мутахассислар, олимлар ва профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;

халқаро ва республика миқёсида мактаб фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиада, мусобақа ва танловларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиёт ва илм-фаннинг устувор йўналишларида, шу жумладан мактаб таълими тизимида фаолият олиб боришига қўмаклашиш;

олимпиадалар ўтказиш бўйича халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибаларни оммалаштириш;

фан олимпиадаларини тарғиб қилиш, ўзбекистонлик ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларидаги иштироки ва натижалари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказнинг чекланган бошқарув штат бирликлари сони 27 тани ташкил қилади ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимининг умумий штат бирликлари доирасида шакллантирилади;

б) Марказ ходимларига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади. Бунда:

Марказ директорининг лавозим маоши Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги департаменти директори лавозим маошига, директор ўринбосарининг лавозим маоши вазирлик бошқарма бошлиғи лавозим маошига, таркибий бўлинмалар бошлиқларининг лавозим маоши вазирлик бўлим бошлиғи лавозим маошига, бошқа мутахассис ходимларнинг лавозим маоши вазирликнинг тегишли даражадаги мутахассислари лавозим маошига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

в) Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, Таълим соҳасида ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси, Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, 2027 йилдан бошлаб босқич-ма-босқич — хўжалик фаолиятини юритишдан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги 2025 йил 1 октябрга қадар Таълим соҳасида ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказда фанлар бўйича амалий топшириқларни бажариш учун замонавий асбоб-ускуналар ва хомашё материаллари билан тўлиқ жиҳозланган лаборатория ташкил қилсин.

3. Белгилансинки, ўқувчиларнинг халқаро олимпиадаларда муносиб иштирокини таъминлаш учун 2025 йилдан бошлаб Марказ томонидан:

5 — 8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчилар базаси шакллантирилади ва уларни халқаро олимпиадаларга мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилади;

ҳар бир фан йўналиши бўйича ўқув дастурлари, адабиётлар, методик тавсиялар, қўлланмалар ва журналлар яратилиб, улар доимий равишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда халқаро олимпиадалар методологияси асосида такомиллаштириб борилади;

ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрловчи тренер-ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланиши учун зарур шароитлар яратилади, уларга янги методикалар ўргатиб борилади;

фан олимпиадалари бўйича миллий терма жамоаларнинг хорижий давлатлар терма жамоалари билан қўшма йиғинлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади;

Ўқувчилар учун халқаро олимпиадаларда рухий босимни енгиш бўйича семинарлар ҳамда мотивацион тренинглар ташкил қилинади;

асосий фан олимпиадаларининг ҳудудий босқичида муваффақиятли иштирок этган иқтидорли ёшлар учун «интеллектуал оромгоҳлар» ташкил этилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) халқаро фан олимпиадалари нуфузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадаларга бўлинади ва ушбу олимпиадалар ғолиблари, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарлари 1-иловага* мувофиқ миқдорларда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

б) нуфузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадаларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган терма жамоалар раҳбарларини жамоанинг натижасига қараб рағбатлантириш тартиби жорий этилади. Бунда:

терма жамоалар раҳбарлари нуфузли халқаро олимпиадаларда эришилган ҳар бир олтин, кумуш, бронза медаллари учун тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 35, 25, 15 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

терма жамоалар раҳбарларини пул мукофоти билан тақдирлаш 2027 йилга қадар — Давлат бюджетидан, 2027 йилдан бошлаб — Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

асосий фан олимпиадаларининг ҳудудий ва республика босқичларида ҳамда халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарларига тўланадиган пул мукофотлари ва бериладиган совғалар даромад солиғидан озод этилади;

терма жамоалар раҳбарлари, кузатувчилари ва ўқувчиларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан суткалик, яшаш, суғурта ва транспорт харажатлари Давлат бюджетидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади;

халқаро олимпиадаларда қатнашиш учун жалб этиладиган ўқувчилар ўқув йиғинлари даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул озиқ-овқат ва ётоқхона билан таъминланади.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

а) 2025 йил 1 декабрга қадар:

халқаро ва маҳаллий фан олимпиадалари натижаларининг доимий статистикасини юритиш, онлайн фан олимпиадаларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда олимпиадалар иштирокчиларининг маълумотлар базасини шакллантириш имконини берувчи электрон платформа яратсин;

Ўзбекистонда ўтказиладиган буюк алломалар номи билан аталадиган халқаро фан олимпиадалари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириладиган,

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳаллий ва хорижий ўқувчиларнинг ушбу олимпиадаларда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтишларини таъминлайдиган махсус сайтни ишга туширсин;

б) 2025 йил 1 майга қадар фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартибини такомиллаштирсин. Бунда:

асосий фан олимпиадаларининг республика босқичи ғолибларига медаль бериш тизимини жорий этишни;

табiiй фанлар бўйича олимпиадаларнинг республика босқичида ўқувчилар томонидан амалий топшириқлар бажарилишини назарда тутсин.

6. Белгилансинки, юртимиз ва буюк аждодларимизнинг дунё илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини тарғиб этиш мақсадида қуйидаги халқаро олимпиадалар ўтказиб борилади:

миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик ҳиссини шакллантириш, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган Буюк Шарқ Ренессанси халқаро олимпиадаси;

Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадаси;

Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадаси;

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадаси;

Абу Али Ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадаси.

7. Марказ Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 1-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 1-уйда жойлашган бино ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Марказга:

нодавлат фан олимпиадалари ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ пуллик хизматларни кўрсатишга;

халқаро тижорий (пуллик) ва нотижорий фан олимпиадалари ва танловларни ўтказишга;

маҳаллий ва хорижий мутахассисларни тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб этишга рухсат берилсин.

9. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг қўламда ёритсин.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 30 сентябрь,
ПҚ–346-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**349 Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, бандликнинг замонавий шаклларини татбиқ этиш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича соҳада кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, халқаро андозалар асосида муносиб меҳнат муносабатларини кенг жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида»ги ПФ–143-сон Фармониға мувофиқ «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури қабул қилинганлиги ҳамда ушбу дастур ижросини ташкил қилиш вазифаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури ижросини ташкил қилишнинг яхлит тизимини жорий этишни назарда тутган ҳолда қуйидагилар Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорини, банд ва ишсиз аҳолини таркибий таҳлил қилиш, ишсизларни манзилли аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш — меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва ишсизларнинг ҳисобини манзилли (номма-ном) юритиш, иқтисодиётнинг ривожланиб келаётган тармоқ ва соҳаларида меҳнат ресурсларига бўлган талабни прогноз қилиш, меҳнат бозоридаги таркибий муаммоларни аниқлаш ва нумутаносибликларнинг олдини олиш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорликда ишлаш;

аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини шакллантириш, бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш, ишсизларни ишга жойлаштириш — ҳар йил учун ҳудудлар, тармоқ ва соҳалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, мавжуд бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш ва иш берувчилар билан боғлаш;

камбағалликни қисқартириш — камбағаллик динамикаси ва таркибини таҳлил қилиш, оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва ижросини мувофиқлаштириш, аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилган ишларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда натижаси бўйича «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ҳар ойда маълумот киритиб бориш;

ҳоқим ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш — маҳаллада тад-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 октябрда эълон қилинган.

биркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) фаолиятини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳалар билан ишлаш кўникмаси ва малакасини ошириб боришни доимий таҳлил қилиш, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш, фаолиятида аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш, касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитиш, малакани баҳолаш — халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда хорижда тан олинадиган касбий стандартларни ишлаб чиқиш, талаб юқори бўлган касб ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш, стандартлар асосида малакани баҳолаш хизматлари бозорини тартибга солиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш;

муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат меъёрларига риоя этилишини ўрганиш, меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш — муносиб меҳнат тамойиллари ва халқаро стандартларни жорий этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш.

3. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тугатилсин ҳамда унинг штат бирликлари, вазифалари, функциялари ва мол-мулки Вазирлик тасарруфига ўтказилсин.

4. Вазирлик Республика комиссиясининг ишчи органи сифатида қуйидагиларни амалга оширсин:

оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг тўғри, мақсадли, манзилли тузилганлиги ва натижадорлигини ҳамда энг оғир аҳволдаги маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилади;

индивидуал режаларнинг ижросини мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали самарали натижага эришилишини таъминлайди;

индивидуал режаларни амалга оширишда аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилади ҳамда тизимли муаммолар ечими бўйича таклифларни Республика комиссиясига киритади;

камбағал оилаларга ва энг оғир аҳволдаги маҳаллаларга бириктирилган ташкилотлар раҳбариятининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг камбағалликни қисқартириш ва касб-хунарга ўқитиш йўналишлари бўйича фаолияти лойиҳавий ёндашув тамойили асосида ташкил этилади;

б) камбағаллик даражаси юқори бўлган туман (шаҳар) ёки маҳалла бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат лойиҳавий бошқарув тизими жорий этилади. Бунда энг оғир аҳволдаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, шу жумладан томорқаларни суғориш суви, маҳаллаларни электр энергия-

си ва интернет билан узлуксиз таъминлаш маблағлари Вазирликнинг аниқ лойиҳалари бўйича ажратилади;

в) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларига қўйидаги ваколатлар берилади: туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини билан маҳаллаларда камбағалликни қисқартиришга қаратилган уч томонлама шартнома тузиш;

уч томонлама шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш ва унинг шартлари бажарилмаган тақдирда, инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг ажратилишини тўхтатиш;

г) маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш лойиҳалари ва давлат томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган маблағлар Вазирлик таклифига биноан Республика комиссияси томонидан тақсимланади.

6. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича Вазирлик:

уч ой муддатда ижобий натижа берган «100 та энг самарали микролояйҳа» каталогини яратсин ҳамда ҳоким ёрдамчилари орқали республиканинг барча ҳудудларида оммалаштириш чораларини кўрсин;

2025 йил 1 декабрга қадар 50 та туманда, 2026 йилда қолган туманларда 50 — 100 гектардан ижара асосида ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида саноатлашган плантация, боғ ва узумзорлар ташкил этсин;

2025 йил 1 декабрга қадар ижара асосида ер майдонлари ажратилган туманларда камида 40 гектар майдонда «бир контур — бир маҳсулот» тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойиҳаларни амалга оширсин;

2026 йил 1 августга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда камида иккитадан кўп қаватли комплекс саноат марказларини барпо этиш ва тадбиркорларни жойлаштириш лойиҳаларини амалга оширсин;

саноат кириб бормаган маҳаллаларда 2025 йил 1 декабрга қадар 1 000 та, 2026 йилда 2 000 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга туширсин;

ҳар йили камида 500 та хунармандчилик ва касаначилик лойиҳаларини маҳалланинг ўзида жорий этиш ҳамда кенгайтириш чораларини кўрсин;

2025 йил 1 декабрга қадар 2 000 та маҳаллада, 2026 йил якунига қадар қолган маҳаллаларда салоҳиятли тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйсин;

2025 йилдан бошлаб етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига ихтисослашган маҳаллалар сонини ҳар йили 10 фоизга ошириб борсин;

ҳар йили 50 минг нафар ўзини ўзи банд қилган фуқароларни босқичма-босқич кичик бизнес субъектларига айлантириш чораларини кўрсин.

7. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Белгилансинки, Вазирликда юқори натижага эришиб келаётган, ижобий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчисидан иборат «Лойиҳа менежерлари» гуруҳи ташкил этилади. Бунда:

«Лойиҳа менежерлари» гуруҳи таркибидаги ҳар бир ҳоким ёрдамчиси самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган туман (шаҳар)ларга бириктирилади ва улар олти ойгача мазкур туман (шаҳар)лардаги маҳаллаларга хизмат сафарига юборилади;

хизмат сафари давомида «Лойиҳа менежерлари» гуруҳидаги ҳоким ёрдамчилари, иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловлар сақлаб қолинган ҳолда, лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида қўшимча моддий рағбатлантирилади;

«Лойиҳа менежерлари» гуруҳи таркибидаги ҳоким ёрдамчиларининг хизмат сафари ва уларни моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ҳоким ёрдамчиларини қонунчиликда уларга юклатилган вазифалардан ташқари бошқа ишларни бажаришга жалб этиш тақиқланганлиги қайд этилсин.

9. Ишсиз ва камбағал аҳолини ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос бўлган ишчи касбларга ўқитиш тизимини ташкил этиш мақсадида:

а) Вазирлик ҳузуридаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари негизида касбий кўникмалар марказлари ташкил этилсин;

б) Вазирлик касбий кўникмалар марказларида:

2025 йил 1 январдан иш берувчилар талабига мослашувчан ўқитиш муддати ва вақтини назарда тутувчи тезкор курслар йўлга қўйилишини;

2025 йил 1 мартдан бошлаб амалий касбий кўникмаларни бевосита иш жойида шакллантириш имконини берувчи янги тажрибанинг жорий этилишини;

2025 йил 1 майдан бошлаб халқаро тан олинган таълим дастурларининг жорий этилишини;

2026 йил 1 январга қадар касбий кўникмалар марказларини халқаро баҳолаш ташкилотларининг аккредитациясидан ўтказиш орқали уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинган сертификатлар (малака паспортлари) берилишини таъминласин;

2026 йил 1 июлга қадар малакали хорижий ташкилотни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар бўйича касбий малакани баҳоловчи марказни ташкил қилсин ва ушбу марказда хорижий давлатларда тан олинган малака сертификати беришни йўлга қўйсин;

в) Вазирликка қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

касбий кўникмалар марказларининг бино-иншоотлари ёки уларнинг бир қисмини жиҳозлари билан бирга уларда касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш курсларини ташкил қилиш учун хорижий иш берувчилар ва таълим ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича текин фойдаланишга ёки узоқ муддатли ижарага бериш;

касбий кўникмалар марказларини соҳада етарли тажрибага эга маҳаллий

ва хорижий ташкилотларга тўғридан-тўғри шартномалар асосида ишончли бошқарувга бериш;

халқаро тан олинган касб стандартларини ишлаб чиқиш учун юқори ма-лакали хорижий экспертларни шартнома асосида жалб этиш.

10. Қуйидагилар:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари негизида ташкил этиладиган касбий кўникмалар марказлари рўйхати 2-иловага* му-вофиқ;

Касбий кўникмалар марказларининг асосий фаолият йўналишлари 3-ило-вага мувофиқ;

Тугатилаётган ҳамда бино ва иншоотлари Давлат активларини бошқа-риш агентлигига ўтказилаётган касб-хунарга ўқитиш марказлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Вазирлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 ян-вардан Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида, 2025 йил 1 сентябрдан республиканинг бошқа ҳудудларида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни буюртма асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда иш берув-чиларни жалб қилган ҳолда ўқитиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ишсиз ва иш қидираётган шахсларни буюртма асосида ўқитиш доирасида:

Вазирлик томонидан талаб юқори бўлган касб ва хорижий тиллар рўйха-ти ҳамда ушбу жараёнга жалб этиладиган хусусий ўқув марказларининг реестри шакллантирилади;

касблар ва хорижий тилларга ўқитиш учун Бандликка қўмаклашиш дав-лат жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган грантлар қиймати Вазирлик то-монидан белгиланади;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларга рўйхатда белгиланган касб ва хо-рижий тилларни ҳамда уларни ўқитадиган таълим ташкилотлари ёки иш берувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилади;

таълим ташкилотлари ва иш берувчиларга грант маблағларининг 50 фоиз-гача миқдори ўқиш бошланишидан олдин, қолган қисми ўқиш якуни бўйича ишсиз аҳоли томонидан якуний имтиҳон муваффақиятли топширилган тақ-дирда тўланади.

12. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан текширувлар тек-ширув бошланган пайтдан бошлаб Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қил-ган ҳолда ўтказилади;

б) 2025 йил 1 мартдан бошлаб:

Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларига меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчи-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлиги учун камерал назорат ўтказиш ваколоти берилади;

меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган, Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашган, тўсқинлик қилган ёки таъсир ўтказган шахсларга нисбатан жарима қўллаш тартиби жорий этилади;

Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими маълумотларидан фойдаланган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилаётган, таъмирланаётган ёки реконструкция қилинаётган объектлардаги ишчилар сонининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда пудрат ишлари ҳажмига мувофиқлиги юзасидан назорат тадбирларини ўтказишга руҳсат этилади;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ходимларини бир ойда жами 10 иш кунидан ортиқ муддатга текширувлар ўтказишга жалб қилиш тақиқланади.

13. Вазирлик 2025 йил 1 апрелга қадар:

а) Миллий вакансиялар базасида мамлакатдаги мавжуд бўш иш ўринларини, талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларни аниқлаш, таклиф этилаётган иш ҳақи, талаб қилинадиган малака талаблари, меҳнат шароитлари, иш вақти режими ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган платформа-ни ишга туширсин;

б) Ягона миллий меҳнат тизими орқали:

иш берувчилар ва ходимларга тижорий электрон хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйсин;

янги услубиёт асосида қисқа ва ўрта муддатларда касб ҳамда мутахассисликларга бўлган талабнинг прогнозларини шакллантирсин;

замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда меҳнат ресурслари ҳисоби ва статистикасини юритсин;

в) аҳолига бандлик хизматларини экстерриториал тарзда кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин. Бунда ишсиз ва иш қидираётган фуқароларга ишга жойлаштириш йўлланмасини исталган бандлик органлари орқали бериш назарда тутилсин.

14. Белгилансинки, ички меҳнат бозорини ҳимоя қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган хорижий фуқаролар ҳисобини юритиш мақсадида юридик шахсларга ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни бериш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Вазирлик бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни берганлик учун ундириладиган йиғимлар суммасининг тақсимоли бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Вазирлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Меҳнат бозо-

ри тадқиқотлари институтини Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти зиммасига республикада демографик ўзгаришлар, меҳнат бозорида вужудга келаётган тенденциялар, ихтисосликлар бўйича меҳнат ресурсларига нисбатан талаб ва эҳтиёжлар ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш вазифалари юклатилади.

16. Қуйидагилар:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги марказий апарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш шартлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасалари шаклида ташкил этилган Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари юридик шахс мақоми тугатилган ҳолда Вазирликка ўтказилсин.

Белгилансинки:

ҳудудий жамғармаларнинг ижро этувчи дирекциялари тугатилади ҳамда ҳудудий жамғармалар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш вазифалари Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) томонидан амалга оширилади;

ҳудудий жамғармалар маблағлари амалдаги йўналишларга қўшимча равишда «Лойиҳа менежерлари» гуруҳи томонидан юқори самара берган ижобий тажрибаларни бошқа ҳудудларда жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш, етакчи тадбиркорлар ва уста деҳқонларни жалб этишга сарфланади.

18. Белгилансинки, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

2025 йил 1 январдан бошлаб ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилишни кучайтириш, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги мувозанатли меҳнат муносабатларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат соҳасидаги низоларни ҳал этишни медиация усулида видеоконференцалоқа шаклида амалга ошириш тизими жорий этилади;

2025 йил 1 мартдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси таъминланганлик ҳолати онлайн рейтинг асосида баҳоланади;

2026 йил 1 январга қадар иш жойларидаги бахтсиз ҳодисалар ва касб

* 5 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касалликларининг олдини олиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари ишлаб чиқилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимлари ҳар уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича Вазирлик ҳузуридаги малака ошириш марказида шартнома асосида малакасини ошириб боради.

20. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига қўйидаги ваколатлар берилсин:

вазир маслаҳатчилари, ҳудудий бошқармалар, Вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар, ҳудудий инспекция раҳбари ва ўринбосарларини мустақил тарзда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш. Бунда ҳудудий бошқармалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилади;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини (КРІ) белгилаш ҳамда назоратини олиб бориш;

Вазирликка тегишли жамғармалар ҳисобидан ва ўз ҳисобидан молиялаштириладиган Вазирлик тизимидаги ташкилотлар штат бирликларини, раҳбар ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда моддий рағбатлантириш шартларини ва миқдорларини мустақил белгилаш.

21. Вазирлик Адлия вазирилиги ҳамда манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 4 октябрь,
ПҚ–347-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги
ПҚ–347-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Касбий кўникмалар марказларининг асосий фаолият
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 1) фуқароларни ички ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хорижий тилларга ўқитиш;
- 2) хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган фуқароларни хорижий иш берувчилар талаби ва халқаро стандартлар асосида касб-хунарга тайёрлаш ва чет тилларга ўқитиш, уларни хорижга кетишидан олдин мослаштириш тадбирларини амалга ошириш;
- 3) хорижий иш берувчилар танловларини ўтказиш ва уларга хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;
- 4) иш берувчилар билан ишчи касбларга бўлган эҳтиёжлари ва малака талабларини ўрганиш ҳамда касб-хунарга тайёрлашда ҳамкорлик қилиш;
- 5) ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш;
- 6) иш берувчиларга меҳнат унумдорлигини ошириш учун керакли касбларни аниқлашда ҳамда ходимларининг малакасини оширишда кўмаклашиш;
- 7) ишчи касблар бўйича касбий малакани баҳолаш ва тасдиқлаш;
- 8) ишсиз ва иш қидираётган фуқароларни касбга йўналтириш, маслаҳатлар бериш.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****350 Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3557*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 619-сон «Шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан келишилган.
3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в.б.**Ш. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 5 сентябрь,
7/94463-01-сон

Келишилди:

Энергетика вазири**Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ**

2024 йил 28 август

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 2 октябрда эълон қилинган.

*Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирли*

А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 30 август

*Тоғ-кон саноати ва
геология вазирли*

Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вази-
рининг 2024 йил 5 сентябрдаги
7/94463-01-сон буйруғига
ИЛОВА

Хавфи юқори бўлган объектларнинг РЎЙХАТИ

Т/р	Объектларнинг номи	Кўрсаткичлар ва тавсифлар
Энергетика объектлари		
1.	Атом ва ядро саноати объектлари	уранни қазиб олиш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш объектлари; ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи объектлар; ядровий ва радиоактив материалларни ташувчи объектлар; радиоактив чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш объектлари; ядровий ва радиоактив материаллар, радиоактив чиқиндиларни сақлагичлар; атом реакторлари; гамма қурилмалар, циклотрон ва тезлатгичлардан фойдаланувчи объектлар
2.	Гидроэлектр станциялар (ГЭС)	қуввати 1 МВт дан юқори
3.	Иссиқлик электр станциялари (ИЭС), буг қозонлари	қувватидан қатъий назар
4.	Қуёш фотоэлектр станцияси	қуввати 500 кВт дан юқори
5.	Шамол электростанцияси (генератори)	қуввати 500 кВт дан юқори
6.	Очиқ тақсимлаш қурилмалари (ОРУ) ва ёпиқ тақсимлаш қурилмалари (КРУН, ЗРУ)	кучланиши 35 кВ ва ундан юқори
7.	Трансформатор подстанциялари (бир ёки икки трансформаторли)	кучланиши 35/6-10 кВ, 35/0,4 кВ тақсимлаш пунктлари; кучланиши 110/35/6-10, 110/6-10кВ ва ундан юқори (220/6-10, 220/35/6-10, 220/110/35/6-10, 500/110/35-10, 500/220/35-10, 750/500 кВ)

8.	Ҳаво электр узатиш тармоқлари (1 ва 2 занжирли)	кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган
9.	Кабель электр узатиш тармоқлари	кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган
10.	Кўмир конлари	шу жумладан, ер ости шахталари
11.	Кўмирни ер ости усулида газга айлантириш майдонлари	барчаси
12.	Кислород ва бошқа газлар ишлаб чиқариш объектлари	ишлаб чиқариш цехи, ҳажми 50 м ³ /соат қувватдан юқори
13.	Водород ишлаб чиқариш объектлари	барчаси
Нефть ва газ саноати объектлари		
14.	Нефть, газ ва газ конденсатини казиб олиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш объектлари	қудуқлар (параметрик, қидирув, тузилмавий, эксплуатация ва бошқалар); конда ва конлараро ташиш қувурлари (газ қувурларининг кириш қисми блоки билан); кон ичидаги қувурлар ва газ йиғиш коллекторлари; жамлаш пунктлари; магистрал қувур ўтказгичлар (насос, компрессор, газ тақсимлаш ва босимни кўтариш компрессор станциялари билан); компрессор хўжалиги объектлари (газни қуритиш қурилмаси, ёрдамчи машина-агрегатлар); маҳсулотларни сақлаш ва тушириш-юклаш объектлари (резервуарлар парки, қуйиш ва тўкиш эстакадалари билан)
15.	Суюлтирилган табиий газни сақлаш ва тушириш-юклаш жойлари	ҳажмидан қатъий назар
16.	Инерт газлар ишлаб чиқариш объектлари	ҳажмидан қатъий назар
17.	Биогаз қурилмалари	реактор ҳажми 50 м ³ дан юқори
18.	Газгольдерлар ва реципиентлар	ҳажми ва босимидан қатъий назар
19.	Автокорхоналарнинг нефть омборлари	барчаси
20.	Автомобилга ёқилғи ва газ қуйиш станциялари	дизел, бензин, метан, пропан, бутан ва бошқа газлар
21.	Кемаларга нефть маҳсулотлари қуйиш станциялари	бензин, керосин, дизел ёқилғиси
22.	Газ тармоқлари	юқори босимли — 0,3 МПа (3,0 kgs/sm ²) дан юқори
23.	Суюлтирилган углеводород газларни сақлаш иншоотлари	шу жумладан, газ тўлдириш станциялари, газ тўлдириш пунктлари, автоном газ таъминот тизимлари
24.	Газ хўжалиги иншоотлари	газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи объектлар
25.	Магистрал газ қувурлари	юқори босимли
26.	Одоранлаштириш ускуналари билан жиҳозланган газ тақсимлаш станциялари	ҳажми 50 м ³ дан юқори
Тоғ-кон саноати объектлари		
27.	Тоғ-кон бойитиш фабрикалари (комбинатлари)	майдалаш, бойитиш корпуслари, концентрат омборхоналари

28.	Шахталар, конлар, очик карьерлар	бойитиш фабрикаси; ер остидан руда олиш шахталари, конлар ва очик карьерлар; карьер ва шахта олди саноат майдончалари
29.	Суюқ холатдаги чиқиндиларни сақлаш жойининг алоҳида объектлари (чиқиндихоналар)	тўсиб турадиган дамбалар, фильтрациядан сақловчи экранлар, гидротехник иншоотлар
30.	Қурилиш материаллари очик холда олинадиган карьер	порлатиш йўли билан амалга ошириладиган ишлар
31.	Тоғ-кон саноати объектларига хизмат кўрсатиш объектлари	қуввати соатига 10 Гкал дан юқори технологик иссиқлик таъминоти объектлари ва иссиқликни утилизация қилиш иншоотлари
Металлургия ва электротехника саноати		
32.	Пайвандлаш, металлларга кимёвий ишлов бериш қурилмалари	металлни тозалаш ва унга кимёвий ишлов бериш линияси
33.	Руда ва концентратлардан рангли металлларни қуйиш (қўрғошин, қалай, мис, никель ва ш.к.) объектлари	гидролиз йўли билан олиш
Кимё саноати, минерал ўғитлар объектлари		
34.	Кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари	барча хавфли ишлаб чиқариш объектлари
35.	Заҳарли кимё маҳсулотларини ва минерал ўғитларни сақлаш омбори	муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган холда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар; портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар; тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра: I хавфлилик даражаси; II хавфлилик даражаси; III хавфлилик даражаси
Оғир саноат ва транспорт машинасозлиги		
36.	Машинасозлик корхоналари	кимё-нефть саноати
Асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни ишлаб чиқариш		
37.	Асбоб-ускуналар ёки қурилмаларни ишлаб чиқариш корхоналари	таркибида заҳарли моддалар бўлган асбоб-ускуналар
Электротехника саноати		
38.	Электротехника саноати объектлари	турбогенераторлар ва йирик электр машиналарини ишлаб чиқариш заводи; кучланиш трансформаторларини ишлаб чиқариш заводи; юқори кучланишли аппаратура ишлаб чиқарадиган завод; қуввати 1600 кВА гача бўлган трансформатор пунктларини ишлаб чиқарадиган завод; электр лампалари, фонарлар ва ш.к. (қуйма цехлари бўлган ва симоб ишлатиладиган)
39.	Таъмирлаш бинолари	юқори кучланишли жиҳозлар ва электр ускуналарни таъмирлаш цехлари

Қурилиш материаллари саноат объектлари		
40.	Цемент заводи, гипс (алебастр), бўр, оҳак ишлаб чиқариш корхоналари	цемент ишлаб чиқариш (портландцемент, пуцоланцемент, шлакопортландцемент ва бошқалар)
41.	Пайвандлаш ашёлари ва материалларни ишлаб чиқариш корхоналари	кальций карбидини ишлаб чиқариш металл электродларни (марганец қўллаган холда) ишлаб чиқариш
42.	Асбест буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари	таркибида асбест моддаси бўлган материаллар
43.	Локларни ишлаб чиқариш корхоналари	ёғли, спиртли, типографиявий, изоляцияловчи, резина ишлаб чиқиш саноати
Фармацевтика, тиббиёт ва микробиология саноати объектлари		
44.	Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари	вакцина ва зардоб ишлаб чиқариш фармацевтик калий тузларини (хлорланган, олтингурутли, поташ) ишлаб чиқариш глицерин ишлаб чиқариш
Ун-ёрма маҳсулотлари ва омихта ем ишлаб чиқариш		
45.	Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ва объектлари	элеватор ва тегирмонлар (заводлар)
Сув хўжалиги қурилиши, ирригация ва мелиорация объектлари		
46.	Дамба ва тўғонлар (каналлардаги, вақтинча сув тўсувчи иншоотлар ва балиқхоналардаги дамбалар)	Дамбаларнинг баландлиги 5 метр ва ундан юқори бўлган
47.	Магистрал каналлар	қўтарма каналларнинг дамбалари баландлиги 5 метр ва ундан юқори бўлган
48.	Магистрал коллекторлар	республика аҳамиятига эга, чуқурлиги 10 метрдан чуқур бўлган ва секундига 10 м ³ дан ортиқ сув ўтказадиган
Соғлиқни сақлаш объектлари		
49.	Санитария-эпидемиология, вирусология марказлари (станциялари)	Лабораториялар
50.	Ёндириш қурилмалари	Ўта хавfli биологик чиқиндиларни йўқ қилиш ускуналари, крематорийлар
Иссиқлик таъминоти		
51.	Туман иссиқлик станциялари	қуввати соатига 10 Гкал ва ундан юқори
52.	Марказий иссиқлик пунктлари, иситиш қозонхоналари	қуввати соатига 10 Гкал ва ундан юқори
Муҳандислик тармоқларининг бошқа объектлари		
53.	Муҳандислик тармоқлари (химояловчи) тоннеллари ва каналлари, ер ости коллекторлар	махсус усуллар, яқка тартибдаги конструкциялар, ёпиқ ўтиш жойлари қўлланган, метрополитен ёки темир йўллар кесиб ўтилган, коммуникациялар аралаш ўтказилган, мураккаб гидрогеологик шароитларда лойиҳалаштириш ва қуриш
Темир йўл транспорти инфратузилмаси		
54.	Темир йўллар ва инфратузилмаси объектлари	тоғ-кон саноати темир йўллари
55.	Метрополитен транспорти инфратузилмаси объектлари	умумий тармоқ темир йўллари, тоннеллар ва эстакадалар, бекатлар, хизмат кўрсатиш объектлари ва муҳандислик таъминоти тизимлари

Дарё транспорти		
56.	Ўзиюрар ва ўзиюрмас кемалар учун слиплар	кемалар сифимидан қатъий назар
Чиқиндихоналар		
57.	Утилизация қилинадиган чиқиндиларни сақлаш ҳамда зарарсизлантириш учун махсус ажратилган ва жиҳозланган жой	қурилмаларсиз (қурилмалар мақсадлари тоифаларига кўра белгиланади)
58.	Чиқиндиларни қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари (хавфлилик даражасига кўра)	I — V синфга мансуб
59.	Заҳарли-кимёвий ва бошқа токсик моддаларни махсус полигонларда консервация қилиш ҳамда чиқинди турига қараб рекультивацияни амалга ошириш	чиқинди, шламни (кўмир кукуни) тўплаш ёки кўмиш жойлари
60.	Заҳарли-кимёвий ва бошқа токсик моддаларни зарарсизлантириш ва кўмиш жойлари	I ва II синфга мансуб токсик моддалар, радиоактив моддалар
61.	Органик ва чирувчи маҳсулотлар учун чиқиндихоналар	такомиллаштирилмаган
62.	Биологик камерали ўлакка кўмиш жойлари	барчаси
63.	Ўлаксаларни утилизация қилиш заводи	барчаси
Омборхоналар		
64.	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари омбори	Портловчи, кимёвий ва заҳарли моддалар сақланадиган омборхоналар
Махсус объектлар ва иш турлари		
65.	Портловчи моддалар ва воситалар билан ишлаш объектлари	компонентларни сақлаш омборлари, тушириш-юклаш жойлари, синаш полигонлари ва лабораториялар
66.	Портлаш-ёниш хавфи бўлган ишлаб чиқаришлар ҳамда зарарли ва заҳарли моддалар ишлатувчи ва сақловчи объектлар	шунингдек, портлашга хавфи мавжуд чангсимон ва газсимон аралашмалар ҳосил бўладиган объектлар
67.	Канализация қувурлари	Суткалик иш ҳажми 280.000 м ³ дан ортиқ бўлган канализация тозалаш иншоотлари

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

351 “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjetidan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
2-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-1*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-martdagi 123-son “O‘zgalar parvarishiga muhtoj shaxslarga ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatishning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 12-iyundagi 26-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjetidan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 3255, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3255/1031-son) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 13-sentabr,
174-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 3-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
13-sentabrdagi 174-son buyrug'iga
ILOVA

**“O'zbekiston Respublikasi Davlat budjetidan moliyalashtiriladigan
budjet tashkilotlari bo'yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga
doir rejaning bajarilishi to'g'risidagi choraklik va yillik hisobot
shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 13-ilovadagi “o'zgalar parvarishiga muhtoj bo'lgan yolg'iz keksalar va nogironlar” degan so'zlar “o'zgalar parvarishiga muhtoj bo'lgan yolg'iz yashovchi hamda yolg'iz keksalar va nogironligi bo'lgan shaxslar” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 22-ilovadagi “o'zgalar parvarishiga muhtoj bo'lgan yolg'iz keksalar va nogironlar” degan so'zlar “o'zgalar parvarishiga muhtoj bo'lgan yolg'iz yashovchi hamda yolg'iz keksalar va nogironligi bo'lgan shaxslar” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 сентябрдаги 7/94463-01-сон “Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3557.

2. О‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 13-sentabrdagi 174-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjetidan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 2-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-1.

